



20 20 у « 30 » сентябрь

№ Қ-549

«    »    20    г

**Шеробод тумани “Ўзбекистон” массиви  
“Хўжақия-2 махалласи ҳудудидан “FORMIX”  
МЧЖга лимонзор ташкил қилиш учун ер  
майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 05-02/654-сон йиғилиш баёни ва Шеробод туман ҳокимининг 2020 йил 04 августдаги 05-01/943-сон хатини кўриб чиқиб,

**Қ А Р О Р    Қ И Л А М А Н :**

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 05-02/654-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Шеробод тумани “Ўзбекистон” массиви “Хўжақия-2 махалласи ҳудудидан “FORMIX” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 184қ-дала контуридаги жами 1,0 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони лимонзор ташкил қилиш учун вақтинча (10 йил муддатга) фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “FORMIX” МЧЖ бошлиғи М.Абдувойтовга:  
лимонзор учун ажратилаётган ер майдонидан фақат лимонзор ташкил қилиш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;  
мақсадсиз фойдаланилганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ажратилаётган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Шеробод тумани ҳокимлиги (А.Амиров) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов